

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 27 май, № 104 (5271) Жума


## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Сармоя даромад келтирди

**СИРДАРЁ. Гулистон шаҳридаги “GUL-REN TEKS” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси тўлиқ қувват билан ишлай бошлади.**

Бунинг учун инвесторлар томонидан корхонага хориждан 600 минг АҚШ долларилик замонавий технологик линиялар келтириб ўрнатилди. Ҳозир 96 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига ўртача 7 минг донагача тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, вилоятдаги саноат корхоналари томонидан шу йилнинг дастлабки уч ойида 130,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Модернизация натижаси

**ХОРАЗМ. “Боғотдон” акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати 178 миллион 336 минг сўмлик модернизация тадбирлари амалга оширилди.**

Натижада бу ерда бир кеча-кундузда 20 тонна сара уруғлик дон тайёрлаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, энергия сарф-харажати кескин камайиб, ойига 2 миллион сўм тежалмоқда.

Таъкидлаш керакки, 10 та қўшимча иш ўрни яратилган “Боғотдон”да ишлаб чиқариш қуввати қарийб тўрт баробарга ортди.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### «Ямбол»дан жаҳон чемпионлари чиқади

***АНДИЖОН шаҳридаги “Ямбол” болалар спорт мажмуасида 986 миллион 578 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилгач, сузиш ҳавзаси бутунлай янгича қиёфа касб этди.***

Натижада бу ерда мураббийлар ҳамда ёшларнинг ҳар бир машғулотни мароқли ҳамда мазмунли ўтказишлари, дам олишлари учун барча қулайликлар яратилди. Бундан ташқари, мажмуа 15 миллион сўмликдан зиёд замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан ҳам таъминланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳсулот сифатли, талабгори кўп

***БУХОРО шаҳрида йўлаклар учун безакли қопламалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Бухоро бизнес” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 400 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир 25 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига ўртача 15 минг квадрат метр қурилиш хом ашёси ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборлиси, маҳсулот маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётганлиги туфайли унинг таннархи арзонлиги таъминланаётир. Шу боис жамиятнинг сифатли ва арзон маҳсулоти ички бозорда ўз ўрнини топмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАШАББУС, ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

**Пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида**
**Биринчи халқаро ихтисослашган чарм ва пойабзал кўргазмаси очилди.**

*Хорижлик мутахассисларнинг алоҳида эътироф этишича, чарм ва пойабзал саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. Чунки юртимизда муҳим хом ашё — терини керакли миқдорда тайёрлаш ва етказиб бериш имконияти беқиёс. Шу боис дунёнинг аксарият давлатлари биз билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашга интилади. Тошкентда илк бор ташкил этилган мазкур кўргазма эса чет элликлар учун қулай имкониятдир.*



### Ҳамкорлик

Дарҳақиқат, меҳмонлар ҳам суҳбат асносида бу тадбирнинг анъанавий тус олишидан умидвор эканлигини, бундан томонлар бирдек манфаатдор бўлишини таъкидлашмоқда.

— Кўргазма ҳақида эшитгач, дарҳол унда иштирок этиш истагимизни билдирдик, — дейди Покистоннинг “Shafiq Brothers” фирмаси раҳбари Шафиқ Уллоҳ. — Сабаби, биз юртингиздан юқори сифатли хом ашё олиб, жаҳон андозалари даражасида чарм буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Кўргазма жараёнида янги ҳамкорлар топиб, алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

“Чарм ва пойабзал Ўзбекистон — 2011” ихтисослашган халқаро кўргазманинг очилиш маросимида “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси раисининг ўринбосари Шарифжон Шералиев алоҳида қайд этганидек, республикамизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мавжуд корхоналар хорижнинг замонавий технологиялари билан қайта жиҳозланиб, кўплаб янги ишлаб чиқариш субъектлари ишга туширилаётир. Натижада ҳозирги кунга келиб, терини қайта ишлаш, сунъий чарм тайёрлаш, пойабзал ва чарм-атторлик моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони 200 тага етказилди. Уларда хом ашё жаҳон стандартлари даражасида қайта ишланиб, юқори сифатли чарм тайёрланаяпти. Табиий хом ашёдан ишлаб чиқарилган пойабзал, турли хилдаги кийим-кечакларга эса ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бораяпти. 2010 йилда 15 миллион АҚШ долларилик чарм маҳсулотлари экспорт қилингани бунинг ёрқин исботидир.

Таҳлилий маълумотларга қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда йилига 12 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилиб, юртимиз аҳолиси, хусусан, эркакларнинг унга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда. Шу билан бирга, аёллар ва болалар пойабзаллари тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. 2011 йилда 32 та инвестициявий лойиҳани рўёбга чиқариш белгилангани бунга мисол бўла олади. Унинг доирасида 16 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, 11 корхона барпо этилса, 14 та корхонада техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ишлари бажарилади. Қўшимча қувватлар мамлакатимизнинг мазкур соҳа ҳали ривожланмаган ҳудудларида, айтайлик, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ишга туширилиши кўзда тутилгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

(Давоми 2-бетда).

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 май куни Ўзбекистон ва Польша ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН – ПОЛЬША БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, суғурта, фармацевтика, сайёҳлик, спорт, транспорт ва транспорт коммуникациялари, озиқ-овқат саноати, кимё, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Камолов Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ўзаро муносабатлар барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар кўплаб давлатлар қатори Польша ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кучайтираётир.

Ўзбекистон ва Польша муносабатлари савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар каби кўплаб йўналишларда изчил тараққий этмоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган кенг кўламли масалалар бўйича самарали мулоқотлар олиб борилаётир.

Ўзбекистон — Польша иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қирқдан зиёд ҳужжатга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2010 йили бу борадаги кўрсаткич 104,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Польша сармояси иштирокида тузилган йигирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Юртимизда Польшанинг етти йирик компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда дунёда ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда ўз вақтида амалга оширилган инқирозга қарши чоралар боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

***Ўтган йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз таҳлили шуни кўрсатаяптики, бозор муносабатларини жорий этишга йўналтирилган демократик ислоҳотлар мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига тенг рақобатчилик асосида кириб боришида муҳим омил бўлди.***

# БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Натижада истиқлол йилларида иқтисодиётнинг барча йўналишларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Ушбу даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар, аҳолининг реал даромадлари ўсиши эса 3,8 баробар ортгани шундан далолат беради, албатта.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да иқтисодиётни келгусида ҳам жадал ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича илгари сурилган масалалар унинг асосини ташкил этади. Уларнинг ижросини таъминлаш, маърузада айтилганидек, яқин беш йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтириш имконини беради. Шундай экан, саноат ривожига қаратилган инвестиция лойиҳаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Республикасининг Австралиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси (қароргоҳи Сингапур Республикасида) Алишер Қурмонов Австралия Генерал-губернатори Квентин Брайсга ишонч ёрлиғини топширди.***

# ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Австралия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Австралия Генерал-губернатори Ўзбекистон раҳбариятининг Ўзбекистоннинг Австралиядаги илк элчисини тайинлаш тўғрисидаги қароридан мамнуният изҳор қилди. Бу — икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарихий воқеадир.

К. Брайс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда фаоллашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Генерал-губернаторнинг сўзларига кўра, расмий Канберра Ўзбекистон каби жадал ривожланаётган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор билан қарайди.

Австралия раҳбари Ўзбекистон Республикаси билан Австралия ўртасида ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**

*Мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички бозорни ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили республикамиз ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,8 фоизга ортгани, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 5,8 фоиз ўсишга эришилгани фикримиз тасдиғидир.*

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Барчага аёнки, юртимиз тупроғи — зар. Бугунги дастурхонимиз тўкинлиги, ноз-неъмат бисёрлиги, эгнимиз бутлиги, эртанги кундан кўнглимиз тўқлиги, аввало, ана шу замин саховати бўлса, иккинчидан, деҳқонлар меҳнатию аграр секторни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани самараси, десак, асло муболаға эмас. Қувонарлиси, яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар боис эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хориж бозорларида ҳам сотилмоқда.

### Божхона

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш тартиби қандай ва уни кимлар амалга ошириши мумкин? Шу каби саволларга Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан юртимизда фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилишига қарши чора-тадбирлар” мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида жавоб берилди.

Таъкидландики, ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг қонуний базаси яратилган бўлиб, бу мазкур йўналишдаги ишларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

***Бугунги кунда жамиятимизнинг барча бўғинларида хотин-қизларнинг фаол иштироки учун кенг йўл очилган. Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса бу йўналишдаги ислоҳотларни янада юқори босқичга кўтарди.***

Мазкур ҳужжат қабул қилинганига етти йил тўлаётган бўлса, ўтган давр мобайнида Фармон ижроси доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши белгилаб қўйилганлиги ҳам аёлларимизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Шунингдек, жамиятда ахлоқий муҳитни таъминлаш, фуқароларда диний бағрикенглик, ўзаро биродарлик туйғусини шакллантириш мақсадида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий

### Фармон ва ижро

тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ҳам жорий этилди. Ва бу масъулиятли вазифа ҳам аёлларимиз зиммасига юклатилди.

Умуман олганда, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини юксалтириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилдики, бу аёлларимизнинг истеъдод ва имкониятларини кенг намоён этишларида муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда опа-сингилларимиз, қизларимиз давлат қурилишида, тадбиркорлик ва иқтисодий соҳада, илм-фан ривожида ҳам ўз иқтидорларини намоён этмоқдалар.

Хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишда кўмаклашиш ҳам диққат-эътиборимизда турибди. Биргина ўтган йилнинг ўзида “Микрокредитбанк” томонидан тадбиркор аёлларимиз учун 26,071 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, 200 мингта янги иш ўрни ташкил этилишига замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

# ФАОЛ НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА

***Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг ўтган ойда бўлиб ўтган сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва унга пухта тайёргарлик кўриш масаласи алоҳида муҳокама этилиб, кўмаклашувчи комиссиялар зиммасига тегишли вазифалар юклатилган эди. Бу эса сайловларнинг қонунийлик, адолат, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилишида қўл келмоқда. Вилоятда жами 833 та фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, шу кунгача уларнинг 420 тасида ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирлар уюшқоқлик билан ташкил этилди.***

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

— Сайлов жараёнларининг уюшқоқлик ва қонунийлик асосида ўтишини таъминлаш учун сайловчилар орасида тушунтириш ишлари олиб борилаётир, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Зокиржон Зунунов. — Умуман олганда, вилоятдаги 115 та қишлоқ, 713 та маҳалла, 5 та шаҳарча фуқаролар йиғинларида сайловга пухта ҳозирлик кўрилди. Зеро, маҳалла ва қишлоқларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни таъминлаш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш шу кунларда сайланаётган раис ва уларнинг маслаҳатчиларининг билими, ҳаёт тажрибаси ва иқтидорига бевосита боғлиқ. Шу боис раис ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатилаётган номзодлар олдига муайян талаблар қўйилмоқда.

— Бу галги сайловларни очиқ ва ошкора тарзда ўтказишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди Денов тумани кўмаклашувчи комиссияси раиси Аҳмад Нарзуллаев. — Туманда 127 та фуқаролар йиғини мавжуд. Шу кунгача уларнинг аксариятида сайлов юксак савияда ўтказилди. Буни “Жаматак” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайлов мисолида ҳам кўриш мумкин. Юзга яқин вакиллар иштирокида ўтказилган сайловда кўпчилик Ҳожиқурбон Ярашевга яна ишонч билдирди. Гап шундаки, Ҳ. Ярашев ўтган даврда қишлоқни ободонлаштириш, маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Аҳоли бандлиги ва ҳудудни тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлида ҳам елиб-югурди. Айни чоғда қанчадан-қанча хайрли ишларни рўёбга чиқарди. Унинг бу хизматлари сайлов чоғида яна бир бор эътироф этилди. Номзоднинг сайловолди дастурида яна кўплаб долзарб масалалар қамраб олингандики, бу ҳам сайловчиларнинг унга ишончини янада оширишга хизмат қилди.

Вилоятнинг бошқа ҳудудларида ўтказилаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ҳам аҳоли фаоллиги яққол сезилмоқда. Сайловчилар кўрсатган вакиллар эса муносиб номзодларга овоз беришмоқда.

— Фуқароларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга бефарқ эмаслиги сайлов жараёнларида ҳам кўзга ташланаяпти, — дейди Узун тумани кўмаклашувчи комиссияси раиси Гулсара Холматова. — Буни вакилларнинг номзодлар ичидан ўз маҳалласи учун куюнчак, тадбиркор ва ишчан кишиларни танлаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Айни пайтда сайловчилар номзодларнинг маҳалла истиқболи акс этган дастурларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Хуллас, Сурхондарёда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин паллага кирди. Ушбу масъулиятли лавозимларга эса эл орасида обрўга эга, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини теран ҳис этадиган номзодлар сайланаётгани қувонарлидир.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Давлат патент идорасида ижро этилиши бўйича ўтказилган назорат-таҳлил натижалари муҳокама этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идора вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.***

# ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

**Парламент назорати**

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида илм-фан ривожига катта эътибор қаратилаётгани, бу, ўз навбатида, юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди, соҳада мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилгани кўзланган марраларни забт этишда айни мудда бўлаётганига эътибор қаратилди.

Шубҳасиз, 1992 йилда ташкил этилган Давлат патент идораси соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда муҳим ўринга эга. Мазкур идора ўтган давр мобайнида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг аъзосига айланди ва Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси ва шунга ўхшаш ўнга яқин халқаро ҳужжатларга имзо чекди. Ҳозирги кунда юртимизда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ҳамда битимлар амал қилмоқда. Бу, ўз навбатида, илмий-техник ишланмаларни чет элда ҳам муҳофаза қилишда, экспортчиларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ёрдам беришда, шунингдек, чет эл инвестициясини миллий саноатимизга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда 2005 — 2010 йилларда 9873 та саноат мулки объекти, шу жумладан, 1706 та ихтиро, 394 та фойдали модель, 430 та саноат намунаси, 7343 та товар белгиси давлат рўйхатига олиниб, уларга муҳофаза ҳужжатлари берилгани маълумот учун айтиб ўтилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида ўзбек ихтирочилари томонидан яратилган энг янги ва муҳим ихтиролар ҳамда фойдали моделлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида 2009 — 2010 йилларда "Ўзбекистон Республикасининг истиқболли ихтиролари ва фойдали моделлари" тўпламининг чоп этилгани кўрсатиб ўтилди.

Бу борадаги жараёнларни тизимли равишда тартибга солишда 2002 йил 29 августда амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуни катта аҳамиятга эга. Тадбирда бу борада фикр билдирилар экан, мазкур ҳужжатда патент идорасининг процедуралари, патент эгаларининг ҳуқуқлари, уларга яратилган енгилликлар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Масалан, мазкур ҳужжатда ихтирога берилган патентнинг амал қилишини қўллаб-қувватлаганлик учун бож тўловлари фақат учинчи йилдан бошлаб амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Қолаверса, бошқа баъзи бож миқдорлари ўртача 10 марта камайтирилди. Натижада ихтирочилар ўз янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этишда каттагина молиявий кўмак ва имтиёздан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Эътиборлиси, саноат намуналари учун ҳам шундай тизим татбиқ этилди. Бу эса юртимизнинг инновацион салоҳияти ва илм-фан ривожи ҳамда миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим омилга айланмоқда.

Йиғилишда ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бироқ инвестициявий харажатларни молиялаштиришда энг самарали манбалардан фойдаланиш тақозо этилади. Сабаби, ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, чет эл инвестицияларини керагидан ортиқ жалб этиш мамлакатни иқтисодий ва сиёсий қарамликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун нафақат ташқи, балки ички инвестицияларни ҳам ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда жаҳон амалиётида инвестиция ресурсларининг асосий манбаларидан бири — аҳоли маблағларидан унумли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун иқтисодий шароитларни янада яхшилаш ва хўжалик субъектларининг ўз маблағларини қайта инвестициялашни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Инвестициявий бозор инфратузилмасини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни, шунингдек, инвесторларнинг бўш маблағларини субъектларга фойдали ва қулай шартларда йўналтирувчи молиявий институтларни ташкил этиш шулар жумласига киради.

Молиявий институтларнинг асосий вазифаси инвесторларнинг маблағларини манфаатли шартларда инвестиция бозорига сафарбар этиш ва жойлаштириш билан шуғулланадиган, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган траст, инвестиция фонди ва ташкилотлар, пенсия ва суғурта, брокер ва диллерлик компаниялари тармоқларини ривожлантиришни назарда тутади.

Давлатимиз раҳбари Концепцияда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш, шу билан бирга, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Бунга "Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида", "Гаров реестри тўғрисида", "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида", "Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида"ги янги қонунларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, аҳоли маблағларини турли лойиҳа ва молиявий институтларга жалб этишга қизиқтирувчи самарали механизмларни жорий этиш бугунги кун талабидир. Шу маънода, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, энг аввало, уларнинг инвесторлар манфаатига хизмат қилишига эришиш талаб этилади. Улар ўз капиталини тўғридан-тўғри ёки қимматли қоғозлар бозори орқали йўналтиришига эришиш лозим.

Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда алоҳида тўхталиб, "...ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқравшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим", дея таъкидладилар .

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиради.

Ривожланган мамлакатларда инвестиция қўйилмаларининг самарадорлиги пулнинг вақтинчалик қиймати концепцияси асосида ҳисобланади. Ушбу концепциянинг моҳияти пул вақт ўтиши билан ўз қийматини ўзгартиришини англатади. Бунга, асосан, қуйидаги учта омил сабаб бўлади:

биринчидан, пулнинг капитал сифатида қиймати ўсиши мумкин;

иккинчидан, пулнинг вақт бўйича қийматининг ўзгаришига инфляция таъсир қилади ва пулнинг харид қобилияти пасаяди;

учинчидан, пулнинг вақт бўйича қиймат ўзгаришига келгусидаги ноаниқликлар ҳам таъсир этади.

Шу маънода, республикамизда инвестициявий фаолликни ошириш учун инвесторларнинг иқтисодий саводхонлигини ўстириш ва инвестиция бозори иштирокчиларининг ахборот билан таъминланишини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш зарур.

"Ахборот билан таъминланиш" деганда, нафақат инвестициялаш объекти ҳисобланган хўжалик субъектлари фаолияти тўғрисидаги, балки инвестициянинг узоқ муддатли қўйилма эканлигини ҳисобга олиб, келгуси ўн йиллардаги инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам назарда тутилади. Негаки, тармоқларнинг инвестициявий жозибадорлиги, улардаги мавжуд хавф-хатарлар, даромадлилик даражаси тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланиши инвесторлар учун муҳим омил ҳисобланади.

Шу билан бирга, инвестициялаш объектининг адолатли нархини аниқлаш инвесторлар учун ўта муҳимдир. Бунда бозорда ўртача нарх сифатида шаклланиб, ҳам сотувчини, ҳам харидорни қаноатлантирадиган баҳо тушунилади. Амалиётда инвестициялаш объектининг бозор қийматини аниқлашнинг кўпгина усуллари мавжуд. Энг содда ва қулай йўли, бу — даромадлиликнинг капитал қийматига нисбати орқали билиб олишдир. Бу усулда инвестициялаш объектидан олинадиган даромаднинг ошиши унинг бозор қиймати ўсишига олиб келади.

Аҳоли ва хўжалик субъектлари маблағларини инвестициялашга кенг жалб этишда тегишли қонунларнинг жойларда бажарилмаслик ҳолатлари тўғаноқ бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Концепцияда бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш механизми белгиланган. Демак, ушбу механизмнинг қанчалик тез ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли ва хўжалик субъектлари инвестициявий фаоллигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Норбой КАРИМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори.**
**Равшан ҚАЮМОВ,**
**доцент, иқтисод фанлари номзоди.**

# ҚОНУН ИЖРОСИ

## унинг самарали тарғиботига ҳам боғлиқ

*Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 80, 93, 96, 98-моддаларига киритилган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ва бошқа масалалар муҳокамасига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, маҳаллий ҳокимлик ҳамда тегишли идоралар вакиллари иштирок этди.*

**Тадбир**

Давра суҳбатида таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Унда сўзга чиққанлар Юртбошимиз ўтган йил парламент палаталари қўшма мажлисида илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" бу борадаги тараққиётни янги босқичга олиб чиқишда дастуриламал эканлигига эътибор қаратдилар. Жумладан, Конституциямизнинг юқорида келтирилган моддаларига тузатишлар киритилиши "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг яна бир ҳаётий ифодасига айланди. Тадбирда иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашда талаб ва таклиф мутаносиблигининг ҳолати, мактаб битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим босқичларига қамраб олишга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

— Концепция давлатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим дастуриламал ҳужжатидир, — дейди депутат А. Раҳмонов. — Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида биз қарийб 20 йил олдин бошланган жараённи давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ўйлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади.

Ёш авлод тарбияси ҳамиша долзарб бўлиб келган. Давра суҳбатида шу масала бўйича ҳам сўз борди. Маълумки, бугунги кунда республикамиздаги мавжуд 9779 та умумий ўрта таълим мактабида 4 миллион 682 минг 477 нафар, 1536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежида 1 миллион 601 минг 732 нафар ўқувчи, 70 та олий ўқув юрти ва уларнинг филиалларида 250 мингдан зиёд талаба ёшлар таҳсил олишмоқда. Тадбирда шулардан келиб чиққан ҳолда ва уларнинг қизиқишларини инобатга олиб, катта ҳаётга тайёрлаш долзарб вазифа эканлигига урғу берилди.

Давра суҳбатида кўриб чиқилган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАШАББУС, ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазмада маҳсулотлари илк бор намойиш этилаётган "Jizzax Elit Poyabzal" корхонаси ҳам инвестициявий лойиҳа шарофати билан ўтган йили фойдаланишга топширилган. Бунда, албатта, 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция қўл келди. Натижада хорижнинг замонавий технологик линиялари ўрнатилиб, эркаклар пойабзали ишлаб чиқарила бошланди. Жорий йилда эса спорт ва аёллар оёқ кийимлари ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Шу пайтгача зарур хом ашёларни чет давлатлардан олиб келаётган эдик, — деди корхона вакили Фарҳод Йўлдошев. — Кўргазмада маҳаллий корхоналар томонидан таклиф этилаётган чарм ва бошқа иккиламчи маҳсулотларни кўриб, хом ашёларнинг маълум қисмини ўзимиздан сотиб олишга қарор қилдик. Чунки улар юқори сифати билан хорижникидан асло қолишмайди. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш, энг муҳими, маҳсулотлар нархи арзон бўлишини таъминлайди.

Соҳада, айниқса, Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил ижроси кўплаб маҳсулотларни ўзимизда тайёрлаш имконини бераётир. Масалан, ҳозирги кунда пойабзал тагликлари, қолипларга бўлган талабнинг асосий қисми ички имкониятлар ҳисобига қопланаётган бўлса, енгил пойабзаллар ишлаб чиқариш тўлиқ маҳаллийлаштирилган. Кўргазмага ташриф буюрган кишилар бундай ютуқлар ҳақида батафсил маълумот олишлари мумкин.




Халқаро кўргазмада республикамиз ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда, Болгария, Италия, Россия, Покистон, Португалия, Чехия сингари дунёнинг кўплаб давлатларининг 60 дан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда. Улар томонидан чарм материаллари, тайёр буюмлар, сунъий чарм моллари, пойабзал ва бошқа кўплаб хом ашёлар, шунингдек, соҳа учун илғор технологиялар, ихчам ишланмалар ва турли жиҳозлар намойиш қилинаётир. Иштирокчиларга уч кун мобайнида маҳсулотлар билан яқиндан танишиб, янги ҳамкорлар топиш, узоқ муддатли келишувларга эришиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Тадбир доирасида, шунингдек, мамлакатимизда яратилган аёллар либослари, пойабзал ва чарм буюмлари янги намуналарининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛЬША БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзбекистон Польшанинг муҳим ҳамкорларидандир, — деди Польша иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Рафал Баняк. — Мамлакатингиз халқаро иқтисодий инқироз шароитида ҳам юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эриша олди. Ўзбекистон ҳам, Польша ҳам улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакатлардир. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг муттасил юксалиб бораётгани мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг изчил тараққий этаётганига ёрқин мисол бўла олади. Ташрифимиз давомида ўтказилган турли тадбирлар икки томонлама ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этиш, мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш учун яхши имконият бўлди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни турли соҳаларда янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Тадбирда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум доирасида Ўзбекистон ва Польша ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Унда Польша компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда икки томон учун ҳам фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Польша ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказдилар.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қайси давлат учун, аввало, фуқаролар ҳуқуқий онги ҳамда тафаккурида Конституция ва қонунлар устуворлигини шакллантиришдек муҳим вазифа туради. Бу, ўз навбатида, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг мезон ва механизмлари яратилишини тақозо этади. Зеро, шу орқали тараққиётнинг муҳим пойдевори барпо этилади.***

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

## демократик ислоҳотларнинг муҳим мезони

**Жараён**

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк йилларидан Президентимиз раҳнамолигида инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётганининг боиси ҳам шунда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар эса фикримизнинг ёрқин тасдиғи бўла олади.

Чунончи, юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига уйғун тарзда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига асос солинди. Шу асосда миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилиб, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Пировардида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлиги таъминланаётир.

Табиийки, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида олиб борилаётган ишлар бу борада катта аҳамиятга эга. Зотан, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, судларнинг амалда мустақиллигини таъминлаш, суд назорати институтини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, ушбу йўналишда қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввалambор, инсон учундир" деган шиорнинг ҳаётий ифодасига айланмоқда.

Айниқса, дастлабки терговбосқичида суд назоратининг кучайтирилиши, мазкур соҳада суд фаолиятининг либераллаштирилиши, прокурор ва адвокатнинг тенглигига эришилгани, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишувнинг юзага келиши, "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши ушбу йўналишни янги босқичга олиб чиқдики, булар, ўз навбатида, халқаро ҳуқуқий принциплар билан тўла муштаракдир.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили парламент палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган ғоя ҳамда таклифлар ҳам демократик тараққиётимиз йўлини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Мазкур ҳаётий ҳужжатда ҳуқуқий таълим ва тарғиботни янада ривожлантириш ҳамда соҳада кенг кўламли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Сабаби, республикамизда сўнгги йилларда дунё тажрибасида камдан-кам учрайдиган ўзига хос ҳуқуқий таълим ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги (1995 — 2004 йиллар) доирасида мамлакатимиз мактаблари ва олий ўқув юртларининг ўқув-тарбия дастурларига "Инсон ҳуқуқлари" ёки "Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ" сингари махсус курсларнинг киритилгани ҳам ҳар бир фуқаро онгида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда глобаллашув жараёнларида ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилашга йўналтирилган, унинг сифат ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган миллий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "...Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди".

Мухтасар қилиб айтганда, бу каби ислоҳотлар ҳар жиҳатдан ривожланган демократик давлат барпо этиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, энг муҳими, ўзимизга хос тараққиёт моделининг ҳуқуқий пойдевори барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Алижон ОЧИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.**

# АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, қўмита қошида турли йўналишларда уюшма ва клублар ташкил этилган бўлиб, улар хотин-қизларнинг касб маҳоратларини, етакчилик қобилиятларини ошириш, ижодий имкониятларини юзага чиқариш ва турли тарғибот ишларини юритишларига кўмаклашмоқда. Жумладан, "Раҳбар аёллар" клуби, "Аёл ва спорт" комиссияси, "Олима аёллар", "Фахрий аёллар", "Ижодкор аёл" каби уюшмалар билан бир қаторда, ўз атрофига ёш иқтидорларни бирлаштирган "Иқтидорли қизлар" клуби шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Эътироф этиш лозимки, қўмитамиз сўнгги йилларда бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келаётир. Жумладан, ўтган йилдан бошлаб БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" , Германиянинг "Халқаро ҳамкорлик жамғарма кассалари" билан Тадбиркор аёлларга кўмак беришни кўзда тутувчи лойиҳалари юрт тараққиёти, оила фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз. Қолаверса, мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзи тарғиботи, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги хайрли ишлар ҳам юқорида таъкидланган фармон ижросини таъминлашга қаратилган, десак, муболаға бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг "...Аввало, оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим", деган сўзлари мамлакатимизда аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатилаётганлигининг исботидир. Ушбу эъзозга муносиб тарзда хотин-қизларимиз оилалар фаровонлиги, осойишталиги, фарзандлар камоли йўлида янада фаоллик кўрсатадилар, деб ишонамиз.

**Гулнора МАЪРУФОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 майда қабул қилинган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларига оид қарорига кўра, айни пайтда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум экспорти билан "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси, "Матлуботсавдо" ҳудудий акциядорлик компаниялари ҳамда уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлган бўлинмалари шуғулланаётир. Қуритилган, музлатилган мева-сабзавот, полиз, узум ва дуккакли маҳсулотларни четга сотишда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Айтиш жоизки, бугунги кунда божхона органлари томонидан аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини сақлаш мақсадида нафақат юртимизга контрабанда йўллари орқали товар-моддий бойликлар кириб келишини, балки уларнинг ноқонуний олиб чиқилишини бартараф этишга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо шунга қарамасдан, халқимиз ризқига хиёнат қилаётган "учар тадбиркорлар" ҳам учраб тургани ачинарлидир. Уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига эса божхоначилар ўз вақтида чек қўймоқдалар. Масалан, 2011 йилнинг 15 майига қадар Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан турли товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланиви бўйича 12,2 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган бўлса, шундан 923 та ҳолатда 909 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний чиқиб кетишининг олди олинди.

Матбуот анжуманида Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари шулар хусусида маълумотлар бериб, журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Тошкент вилояти — Ўзбекистоннинг марказий вилояти, у ўзининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлишни ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир.*

**Ислом КАРИМОВ.**

**Сезаётган бўлсангиз, бугунги саҳифамизда Истиқлол туфайли гуллаб-яшнаётган, ҳосилдор боғ-роғлари, пахтазор ва ғаллазорлари, ер усти ҳамда ер ости бойликлари, қудратли ишлаб чиқариш корхоналари, сўлим табиатию оромгоҳлари билан маълум ва машҳур**

**Тошкент вилояти**

**ҳамда унинг янгиликка ўч, ташаббускор ва тадбиркор, миришкор ҳамда мард, ёниқ юракли, лафзи ҳалол одамлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.**

# Водийларни яёв кезганда...

**Биз — боғбон халқмиз. Жаннатмонанд юртимизда кетмон дастасини ерга суқиб қўйсангиз, кўкариб, куртак ёзади. Меванинг турини кўраман десангиз, бозорларимизни ораланг. Оҳ-оҳ-оҳ! Димоғингизга сархил меваларнинг ҳиди “гуп” этиб уради. Турфа хил, турфа рангдаги мева-чевалардан кўзингиз яшнайди. Бозорга эртаги ўрик, олма, гилос чиққанига анча бўлиб қолди. Оппоқ, марвариддек балх тутларини тотиб кўрмабсиз, бу дунёга келмабсиз. Накд асалнинг ўзгинаси. Танингизни яйратиб, жонингизни киритади. Расталардаги қуруқ меваларни айтмайсизми?!**

## ЯНГИБОЗОРЛИКЛАРНИНГ ЯНГИЧА ИШЛАРИ

**Истиқлолгача деярли саноат корхоналари бўлмаган Юқори Чирчиқ туманида бугун ўнлаб қўшма корхоналар, замонавий завод-фабрикалар фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда “Soley textile”, “Саллада”, “Кеум Сунг интернейшнл”, “Uz Germed farm” каби корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотларни нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади.**

Яқинда бу корхоналар сафига яна бир йирик қўшма корхона — “Alif Grand Corporation” корхонаси ҳам қўшилди. Чет эл инвестицияси асосида барпо этилган ушбу корхона йилига 2 миллион 300 минг квадрат метр гипсокартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирча ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини ички бозорга сотаётган жамоа аҳли яқин вақт ичида ўттиз фоиз маҳсулотини экспорт қилиш тараддудида. Шуниси қувончлики, юқоридаги сингари замонавий корхоналарда, асосан, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган маҳаллий ёшлар меҳнат қилишмоқда.

**Фахр**

Туманимизда, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига, аҳоли бандлиги ва иш ўринлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 52 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 813 та иш ўрни яратилди. Шу даврда туманимиз бўйича 11 миллиард 517 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 4 миллиард 955 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, 4 миллион 317 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиниб, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 146 фоиз ўсишга эришилди.

“Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик” деганларидек, туманимиз маркази — Янгибозор шаҳарчаси, қишлоқларимиз кун сайин обод бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда. Янги, замонавий савдо, маиший хизмат шохобчалари, бозорлар, намунали лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар, спорт-соғломлаштириш марказлари шаҳар-қишлоқларимиз жамолига янада ўзгача файзу тароват бағишлаётир.

**Жамолиддин АБДИЕВ.**

## ТОШ УСТИДА БОҒ

*Қибрай туманидаги боғдорчиликка ихтисослаштирилган “Сувонқулова Гулноза” фермер хўжалигининг раҳбари, изланувчан боғбон Қурбонали Сувонқулов билан шу кўйи танишдик. Ўрта бўйли, миқтидан келган, қорамағиз бу йигит жуда шинаванда чиқиб қолди.*

Сап-сариқ, олтиндек товланиб турган туршакка ҳавас ила қараб, нархини сўраймиз:

— Ўн икки минг сўм! — дейди пештахта ортидаги гавдаликкина йигит.

— Сал баланд эмасми?

— Албатта, баланд! Биздан шу ўрикни ўтган йил ёзда кўтарасига 500 сўмдан олишган, — деб қолди шунда ёнгинамизда турган киши. — Бу ҳам майли, анави хориждан келтирилган, касалманд одамнинг юзини эслатиб юборадиган рангпар олма, нокларни кўринг. Килоси 8-10 мингнинг тепасида. Худди шунинг учун ҳам бу йил вилоятимизда боғдорчилик соҳасида кескин бурилиш қилдик. Ишонасизми, шу баҳорнинг ўзида накд 5000 гектар майдонда боғ яратдик. Келгуси баҳор бу кўрсаткични 10 минг гектарга етказамиз, деб турибмиз.

— Боққа, боғдорчиликка ҳавасманд одамга ўхшайсизлар. Хоҳласанглар, янги боғларимизни кўрсатай, — дея таклиф қилди у.

— Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил. Кўрсак кўрайлик, — дедик. — Хўш, Қибрай томонга бошлайсизми?

— Оҳангаронга, тоққа! — деди у ҳайратимизни янада ошириб. — Қани, кетдик.

Мана, “Роҳат” кўлидан ўтиб, водийга олиб борадиган катта трассага чиқиб олдик. Йўл ёқасидаги ям-яшил адирликларда янги кўчат ўтказилган яхлит пайкаллар тез-тез кўзга чалина бошлади.

— Қаранглар-а, ҳаммаси тутиб кетди. Ҳаммасининг эгаси бор. Воҳамиз ҳадемай накд хазинага, очил дастурхонга айланади, ҳа!

— Мева-чева ҳеч қаерга сиғмай қоларкан-да?

— Бунинг ҳам чораси кўрилаяпти. Вилоятимизнинг тўрт бурчида ҳар бири 3,5 минг тонналик тўртта замонавий музхона қурилаяпти. Бу — олма, анор, нокларимиз қишда ҳам бандидан янги узилгандек дирқиллаб туради, дегани.

**Ҳайрат**

Қурбоналининг янги боғи тоғда, “Тошкент — Ўш” халқаро йўли ёқасидаги Серкақирилди қишлоғида экан.

Йўлнинг шундоқ пастидаги юз гектардан зиёд ёнбағирликка тиғиз қилиб олма, ўрик, ёнғоқ, бодом, гилос кўчатлари ўтказилибди. Этакда “Оҳангарон” сув омбори офтоб тиғида товланиб, тўлқинланиб ётибди. Атрофда ям-яшил тоғлар қўр тўккан. Оромижон шаббода юзларни силаб-сийпалаб ўтади. Гўзалликдан кўнгил яйрайди.

— Бу кўчатларни Сербиядан олиб келдик, — дейди Қурбонали.— Янги, интенсив технология асосида 2х4 схемасида экканмиз, 50 гектари олмазор. Пакана бўйли серҳосил навлар. Шу 100 гектар ёнбағирликка 24 минг дона кўчат кетди. Тепадан келадиган булоқ суви билан томчилатиб суғораяпмиз.

Чинакам мўъжиза эди, бу. Турли тоғ гиёҳларидан бошқа нарса ўсмайдиган, бу гиёҳлар ҳам авжи ёзда қуриб-қовжираб қоладиган асрий тоғ ёнбағрида, шундоқ тош устида яратилган ажабтовур боғ. Тағин, олма кўчатлари биринчи йилиёқ уч-тўрт донадан нишона кўрсатганига нима дейсиз?..

— Боғдорчиликдаги бу янгилик, мазкур тажриба ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз, — деймиз Қурбоналига.

— Йўқ-йўқ! — дейди кескин бош чайқаб Қурбонали. — Боғларимиздаги янгилигу тажриба ҳақида устозимиз, машҳур боғбон Заҳриддин ота Сайфиддиновдан ўтказиб бир нарса дейиш қийин!

...“Миришкор Сайфиддинова Хонзода” фермер хўжалиги раҳбари, кўчатчиликнинг пири комили, зангиоталик Заҳриддин ота билан Янгийўлдаги янги боғида гурунглашиб ўтирибмиз. Теварак-атрофимизда интенсив технология асосида барпо этилган тўққиз гектарлик мевазор.

— Бу олма, нок, гилос кўчатларини Польшадан келтирдик, — дейди отахон. — Янги, сархил, серҳосил навлар. Тўртга биру ўттиз схемасида экканмиз. Томчилатиб суғорамиз. Бор-йўғи битта компьютерчию битта назоратчи. Яна икки-уч йилдан кейин гектаридан 80-100 тоннагача ҳосил олмоқчимиз. — У чойдан бир ҳўплаб, сўзида давом этди: — Қирқ йилдан бери кўчатчилик билан шуғулланаман. Авваллари ҳам ўзимизда яхши-яхши навлар бўларди. Аммо боғдорчиликка эътибор йўқ ҳисоби эди. Янгиликка-ку, умуман йўл беришмасди. Мустақиллик туфайли имкониятларимиз юзага чиқаяпти. Орзу-ҳавасларимиз ушалаяпти. Бу боғларни қаранг, боғдорчиликка эътиборни кўринг. Шу кетишда Ўзбекистонимиз яқин келажакда ўз ширин-шакар мевалари билан дунёга чиқади.

— Бу кўчатчиликка ҳам боғлиқ...

— Албатта-да! — қулфи дили очилиб кетади отахоннинг. — Польшага шу гал боришимда 400 минг дона энг ноёб олма кўчатининг илдизини олиб келдим. Шуларни пайвандлаб, келгуси йили бир миллион туп сархил кўчат етказиб бераман, деган ниятдаман. Яна... фермер хўжалигимиз қошида боғдорчилик тажриба мактабини очиш мўлжалимиз ҳам йўқ эмас.

Истиқлол туфайли ўзбек боғбони оламга бўйлаяпти. Боғида дунёнинг етти иқлимидан келтирилган мевали дарахт кўчатларини ўстириб, парваришлаяпти. Ҳалол меҳнати, миришкорлиги билан юртни бойитаяпти, дастурхонларимизни тўкин қилаяпти.

Хайрлашаётганимизда Заҳриддин ота:

— Боғи бор, боғбони бор юртнинг бахти бор, иқболи бор. Шу бахту иқболимиз, илоҳим, бардавом бўлсин. Боғларимиз болга тўлсин! — деб дуо қилдилар.

Бу эзгу ниятга биз ҳам қўшилдик.

**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҒЎЗАПОЯДАН ҚОҒОЗ ЧИҚАРАМИЗ

***— Қути ва идишларга ишлатиладиган қоғоз республикамизга катта сарф-харажатлар эвазига, асосан, четдан келтирилади, — деб қолди дўстим Саидкомил. — Қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, қалай бўларкин?***

***Ана шу таклиф юрагимга чўғ ташладию интернет орқали дунёдаги қоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан яқиндан танишдим.***

Хитойда сомондан қоғоз ишлаб чиқарувчи корхона борлиги диққатимни тортди. Бизда нима сероб — сомон сероб. Мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришганидан кейин ғалла майдонлари кенгайиб, сомон керагидан-да кўп жамғарилаётгани, айрим жойларда уни, ҳатто ёқиб юборишаётгани менга маълум эдида. Хитойдаги ўша корхона мутасаддилари билан боғландим. Улар мени ўз корхоналарига таклиф этишди. Ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга рози эканликларини ҳам яшириб ўтиришмади.

**Тадбиркорлик**

Шу тариқа хориж инвестициясини жалб этган ҳолда, Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонасига асос солдик. Хитойлик ҳамкорларимиз 310 миллион АҚШ доллари миқдоридаги асбоб-ускуналарни беришган бўлса, биз банкдан 300 миллион сўмлик кредит олиб, эски, ташландиқ бинони реконструкция қилдик. Куни кеча сомондан қоғоз ишлаб чиқарадиган корхонамиз ўз фаолиятини бошлади.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, бизнинг пойтахт вилоятимизда ҳам иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган саноат тараққиётига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бугун вилоятимизда турли мулкчилик шаклидаги 2800 та катта-кичик саноат корхонаси фаолият кўрсатаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 36 мингтадан ошиб кетгани, фақат ўтган йилнинг ўзида уларнинг сони 3200 тага кўпайгани, уларга тижорат банклари томонидан 195 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ажратилиб, 34 мингта иш ўрни яратилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ночор 105 та корхонадан 102 таси қайтадан фаолият бошлагани, фақат енгил саноат йўналишида 5 та йирик корхона ишга туширилганини айтмайсизми?!

Ана шу эътибор ва ғамхўрликдан руҳланиб, биз ҳам янги корхонамизнинг иккинчи навбатини ишга тушириш бўйича изланишлар олиб бораяпмиз. Эндиликда ғўзапоядан ёзув қоғозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

**Равшан ОХУНОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги «Улуғ Жаҳон барака» қўшма корхонаси раҳбари.**



**Сўнгги йилларда металлурглар шаҳри — Бекободда муҳташам спорт иншоотлари, халқаро андозалардаги сузиш ҳавзалари, теннис кортлари, спорт заллари барпо этилди. Минглаб спортсеварлар иштирокидаги оммавий мусобақалар, спорт-соғломлаштириш тадбирлари шаҳар аҳлининг кундалик ҳаёт тарзига айланган.**

## БЕКОБОДГА КЕЛИНГ, БЕКОБОДГА!

Айни кунларда спорт мажмуаларида спортнинг 14 тури бўйича, 32 та гуруҳда машғулотлар доимий равишда олиб борилмоқда. Шаҳар миқёсида ўтказилган сўнгги мини-футбол мусобақаларида ишлаб чиқариш бўлинмаларининг 28 жамоаси майдонга чиқиб, энергетикларнинг қўли баланд келди. “Металлург” футбол клуби истиқлол билан тенгдош. Ва бугун у шаҳарда ягона эмас. Эндиликда Бекободнинг деярли ҳар бир кўчаси, ҳар бир маҳалласи ўз футбол жамоасига эга.

**Спорт**

Спорт устаси, мамлакат терма жамоаси аъзоси, боксчи Камолиддин Аҳмедов ўтган йили Хитойда ташкил этилган нуфузли халқаро мусобақада бронза медалини қўлга киритган эди. С. Жаксон хотирасига бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро турнирда олтин медалга сазовор бўлди. Яна бир боксчи Шерзод Боймирзаев Боку ва Симферополдаги халқаро мусобақалардан бронза ва кумуш медаль билан қайтди.

Бекободлик ёш енгил атлетикачиларнинг ютуқлари, айниқса, барчани қувонтирмоқда. Сабина Авезова 100 метрлик масофага югуриш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Республика биринчилигида шахматчи қиз Севара Боймуродованинг омади келди.

Қисқача айтганда, Бекобод нафақат метали ва цементи, балки спортдаги шуҳрати билан ҳам довруқ қозонмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

## Қумовулнинг кўркам жамоли

***Ўрта Чирчиқ туманида Қумовул деган қишлоқ бор. Истиқлолимиз шарофати билан бу гўша қиёфаси кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.***

**Обод манзиллар**

Қишлоқда янгитдан бунёд этилган кенг, равон йўллар, гулзор, хиёбонлар, савдо, маиший хизмат шохобчалари, намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган уй-жойлар узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Айниқса, қишлоқдаги эски маданият саройи тубдан реконструкция қилиниб, вилоят маънавият ва маърифат марказига айлантирилгани, Хотира ва қадрлаш куни олдидан бу ерда муҳташам Хотира хиёбони ва унинг ёнгинасида интенсив боғ барпо этилгани нафақат қумовулликлар, балки вилоятимиз аҳли учун ҳам катта воқеага айланди.

— Бугун мустақиллик мўъжизасини кўрмоқчи бўлганлар қишлоғимизга келишсин, — дейишмоқда қумовулликлар фахру ифтихор билан.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

**Паркент нафақат адоқсиз боғ-роғлари, ширидан-шакар мевалари, балки сўлим табиати, шифобахш булоқ сувлари билан ҳам азалдан машҳур.**



## Хитойлик Пан Паркентда шифо топди

Туман марказидан бир оз юриб, чапга қайрилсангиз, бир машина аранг сиғадиган илонизи йўл сизни сўлим Ҳисорак қишлоғига олиб боради. Ана шу қишлоқнинг тепасида, туя ўркачидек фусункор тоғлар бағрида биз сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлганимиз, Қўтирбулоқ жойлашган.

Қўтирбулоқнинг зилол суви шифобахшлиги билан эл орасида маълум. Тери касалликларига чалинган, бел ва оёқ оғриғи, ошқозон-ичак хасталиклари билан оғриган беморлар шу булоқ сувидан даво топишган. Истиқлол йилларида “Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида бу ерда ванналар ўрнатилиб, келиб-кетувчилар учун қулай шароитлар яратилди.

2004 йилдан бери “”Иссиқбулоқ шифо мадад” масъулияти чекланган жамияти сифатида фаолият кўрсатаётган бу шифо масканига ўз касбининг устаси Муроджон Маматов раҳбарлик қилмоқда.

— Шифо истаб келувчиларнинг кўплигини ҳисобга олиб, 15 ўринли ётоқхона, ошхона биносини қуриб,

**Саломатлик**

фойдаланишга топширдик, — дейди Муроджон. — Айни кунларда церкуляр душ ташкил қилиш устида ишлаяпмиз.

— Асосан, шу ҳududдаги одамлар даволанишса керак-да? — қизиқиб сўраймиз Муроджондан.

— Нафақат маҳаллий аҳоли, республикамизнинг турли вилоятларидан, шаҳар-қишлоқларидан, ҳатто Хитой, Саудия Арабистони каби мамлакатлардан ҳам кўплаб кишилар келиб, шифо топиб кетишмоқда, — дея суҳбатдошимиз олдимизга “Таклиф-мулоҳазалар” дафтарини қўяди.

...“Қўтирбулоқнинг гўзал табиати, шифобахш суви кўп йиллик дардимга даво бўлди”, дея ёзибди унга сурхондарёлик Сарвар Имомхўжаев. “Ўзбекистоннинг Паркентида тери касалликлари учун шундай ноёб сув борлигини эшитиб келгандим. Дарддан бутунлай халос бўлдим,” дея дил сўзини изҳор қилибди хитойлик Ким Пан.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида шифо масканимизни кенгайтириб, замонавий сиҳатгоҳга айлантириш бўйича тузган бизнес лойиҳамизни тегишли ташкилотларга топширдик, — дейди Муроджон Маматов. — Бу эзгу ниятимиз амалга ошса, Қўтирбулоқнинг шифобахш сувидан юртдошларимиз ва хорижликлар янада кўпроқ баҳраманд бўладилар.

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

## «ЁШЛИК» ФАСЛ ТАНЛАМАЙДИ

**МАВСУМ**

Бекобод металлургия комбинатига қарашли бизнинг “Ёшлик” болалар оромгоҳимиз Бўстонлиқ туманининг сўлим Юсуфхона қишлоғида жойлашган. Оромгоҳимиздан “Чорвоқ” сув омбори, оппоқ виқорли тоғлар шундоққина кўриниб туради. Бу ерда бир кунда йилнинг тўрт фасли ҳукмронлик қилади, десак, муболаға бўлмас. Ҳозиргина офтоб чарақлаб турган бўлса, кўк юзидаги бир парча булут бир зумда қуюқлашади-да, ёмғир севалай бошлайди. Зум ўтмай, булутлар чоки сўкилиб, яна офтоб мўралайди. Тоғ томондан эсаётган шаббода гул-чечаклар бўйини димоқларга келтириб уради...

Йил — ўн икки ой фаолият юритадиган оромгоҳимизда болаларнинг билим олишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё. Замонавий мактаб, маънавият ва маърифат маркази, қишки-ёзги спорт заллари, стадион, замонавий бассейн, ошхона ва ётоқхоналар болажонлар ихтиёрида. Дам олувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, ўз ҳайвонот боғимизни ҳам ташкил этганмиз.

Оромгоҳимизда “Ўзбекистон куни”, “Билимдонлар беллашуви”, “Умид ниҳоллари”, “Шунқорлар” каби тадбирлар, халқ ўйинлари, спорт беллашувлари тез-тез ташкил этилади.

Ҳозир 287 нафар бола ҳам ўқиб, ҳам ҳордиқ чиқараётган бўлса, ёзги мавсумдан бошлаб ҳар сменада 360 нафар ўғил-қиз дам олади. Ҳар йилгидек бу йил ҳам Оролбўйи болалари — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган ўқувчилар, Чирчиқ болалар уйи тарбияланувчилари, шунингдек, олмалиқлик болалар ҳам мириқиб дам олиб қайтишади.

Бизнинг оромгоҳимизни “Ўзбекистоннинг “Артек”и деб аташлари бежиз эмас. Чунки бир мавсум дам олган бола яна келгиси келади. Бўстонлиқнинг гўзал гўшасида бўлган кунларини бир умр эслаб юради.

**Галина РОГОЖНИКОВА,**
**Бўстонлиқ туманидаги «Ёшлик» оромгоҳи директори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5